




Россия доимий равишда мустақил давлатларга қарши урушлар бошлаган. Россия урушларни бир неча бор бой берган ва таслим бўлган, аммо улар ўзларининг тарих дарсликларида Россия Федерациясининг мағлубиятлари ҳақида ёзмайдилар. Давлатнинг барча ҳарбий фойжалари рус тарихчилари томонидан ажойиб стратегик ҳаракат сифатида тақдим этилади. "ТСН. Неделя" муҳбири Станислав Ясинский Россия мағлубиятга учраган 5 та уруш ҳақида гапириб берди.

Москванинг ёкиб юборилиши билан якунланган урушлар

Москва мағлубиятлар шаҳри. Албатта, руслар бу мағлубиятларни ўз тарихидан ўчириб ташлаган. 1610 йилда Польша-Литва армияси Смоленск яқинида русларни мағлуб етиб, Москвага қаршиликсиз кирди. Польша қироли Сигизмунд III нинг 15 ёшли ўғли Владислав Москва тоғини олди, Москва боярлари "поябзалларини алмаштирдилар" ва Польша қиролини қўллаб-қувватладилар. Икки йил давомида Россия пойтахти бутунлай поляклар, литваликлар ва украинларга қарам бўлди. Ярим асрдан кўпроқ вақт давомида Польша чегараси Москвадан атиги 250 километр узокликда эди.

Аммо Агар сиз Москвани поляклар томонидан руслардан тортиб олиниши ҳақида сўрасангиз, улар сизга бундай нарсани бўлмаган дейишади! Эслашлари мумкин бўлган максимал нарсани - бу ёвуз полякларни ботқокларга олиб бориб, адаштирган Иван Сусанин

хакидаги эртақ. Аммо бу поляклар у ерда нима килишарди? Улар кимлар? Каерга ва каердан кетаётганнди? - сўраш бефойда!

Чунки Сусаниннинг фигураси таргибот махсули, 1812 йилдаги рус ёзувчиси Глинканинг Россия тарихидаги яна бир аламли маглубиятини яшириши керак бўлган бир хикоясидир. Наполеон билан уруш ва Москванинг навбатдаги кўлга олиниши билан совет мактабида ўқиган хар бир киши Москва касддан ёкиб юборилганини эслайди - ва бу маглубият эмас, балки Кутузовнинг айёрона галабаси эди!

Крим урушидаги маглубият

Галаба деб номланган янги маглубият том маънода 40 йилдан кейин содир бўлди. 1855 йилда Россия империяси шармандаларча, дахшатли курбонликлар билан Крим урушида ютказди. Ушбу махсус харбий операция, Наполеон илан бўлгани сингари, рус подшосининг ўзи томонидан бошланган. Асрлар давомида сабаблар ўзгармади - Усманийлар империяси православларнинг ҳукукларини бузган дейишади. Бирок, Европанинг кудратли давлатлари - Англия ва Франция Туркия тарафидаги тажовузкорга қарши урушга қўшилишди. Яна технологиянинг лаънати устунлиги. Европа артиллерияси икки баравар тез, тўрт баравар узокрок отарди ва русларнинг алмисокдан қолган "пушкарлари"га қараганда ўн баравар кўпроқ снарядларга эга эди.

Уруш бир йилдан сўнг, 1856 йилги Париж сулҳи деб аталмиш шармандаларча таслим бўлиш билан якун топди. У Россияни Кора денгизда харбий флотга, шунингдек қалъалар ва киргоқ арсеналларига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Россия империяси Молдова ва Бессарабияга бўлган даъволаридан оммавий равишда воз кечди. Россия императори Усманийлар империясининг насронийлари устидан ҳомийликдан маҳрум бўлди. Руслар бу хакида нима билишади - Севастопол диарамасига қиринг. У ерда денгизчи Кошка Россия мудофаасини қахрамонона қутқаради. Маглубият яна "русларнинг буюклиги белгиси"га айланди.

Япон урушидаги маглубият

Орадан яна 40 йил ўтди ва 1905 йилда руслар яна бир қамситувчи сулҳ - Япония билан битим имзолашга мажбур бўлди. Бундан бир йил олдин Россия у ерда "Сарик Россия" ни ташкил қилиб, Манчжурияни қўшиб олмоқчи бўлди! Россия пропагандаси кичик орол давлати билан урушни «частушкалар»да билан тасвирлаб берди - "Нам япошки непочем - переколем кирпичом".

Айтганча, русларнинг севимли "шапкалар билан қўмиб ташлаймиз" ибораси ҳам шу урушдан. Бирок, хақиқат бошқача бўлиб чиқди. Японлар худди кутургандек жанг қилишди! Енгилмас рус армияси бирон марта галаба қозонмаган! Россия денгиз флоти энг аянчли тақдирга эга бўшган. Цусима бўғозидаги чўкиб кетган кемалар матбуотда қахрамонлик ва фидойилик намунаси сифатида макталган. Таслим бўлиш хайрихоҳлик ишораси деб аталди. Москва эса Манчжурия, Порт-Артур ва Сахалин оролининг ярмини йўқотди.

1919-1921 йиллардаги совет-поляк уруши

Совет тарихида бой берилган урушлар умуман унутилган. Бунга 1919-1921 йиллардаги Совет-Польша уруши мисол бўла олади. Сиз бу хакида эшитганмисиз? Ўша пайтлар большевиклар Гарбий Европани империалистлардан озод қилиш учун юриш қилаётганди. Аммо улар Польша-Украина қўшма қаршилигига қоқилишди. Петлюра ва

Пилсудскийнинг деярли бутун Украинани большевиклардан озод килиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларига келишиб олдилар. Бирок, муваффақият узок давом этмади, УХР ва Полша иттифоқи парчаланиб кетди. Москва эса иккинчи уринишни амалга оширди ва деярли Варшавага етиб борди ва у ерда нихоят маглубиятга учради. 1920 йил август ойида бу ўн кунлик жанг "Висладаги мўъжиза" деб номланди.

Большевиклар Россияси Полша Республикасига катта бадал тўлади – 1913 йил нархларида 30 млн рубл, шунингдек, биринчи Жаҳон уруши пайтида Россия томонидан депортация килинган барча Полша фукаролари қайтарилди! Бирок, Полша - Антантадаги иттифокчилари сингари - мустақил Украинани қўллаб-қувватлашдан ҳам, нихоят Россияни маглуб етишдан ҳам бош тортди. 1939 йил сентябрь ойида эса бунинг бадалини тўлашга мажбур бўлди.

1939 йилги Финляндия билан уруш

1939 йил ноябр ойида Финляндия билан яна бир жуда киска уруш бошланди, у атиги 104 кун давом этди, лекин руслар учун жуда катта зарар етказди. Молотов-Риббентроп шартномаси деб номланувчи Сталин ва Гитлер ўртасидаги келишув орқали у СССР таркибига кириши керак эди.

Тинч аҳоли ўққа тутилганини баҳони қилиб, тўртта армия корпуси Финляндия чегарасини кесиб ўтди. Газета ва радиостанциялар икки ҳафта ичида Хелсинкида кизил парадни ваъда қилишди. Бирок, финларнинг кичик армияси дотлар билан мустаҳкамланган Маннергейм чизигини икки ойдан кўпроқ вақт давомида ушлаб туришди. Совуқлар, чангичиларнинг қўлга тушмас гурухлари ва кўплаб фин снайперлари ўн минглаб кизилларни йўқ қилишди. Урушнинг 105 кунда кизил армия ярим миллиондан ортиқ аскарини йўқотди. Расмий равишда Совет тарихчилари бу урушни галаба тоифасига киритдилар, чунки улар Карелияни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Аммо тинчлик шартномаси натижасида финлар ўз мустақиллигини сақлаб қолдилар. Гитлер эса Сталиннинг армияси қанчалик заиф эканлигини аниқ тушуниб етди. Бу урушларнинг барчасида, бугунги каби, Россия ҳеч қандай сабоқ олмади. У ҳар қандай маглубиятни галаба деб атайверади. Ва унинг барча буюклиги цивилизациялашган дунё сўнгги ярим минг йилликда ўжарлик билан қайта-қайта босиб олаётган асосий ҳаскашдир.

Навбатдаги маглубиятидан сўнг Россия билан тинчлик ўрнатади. Руслар учун бу янги урушга тайёргарлик кўриш максасида бир неча ўн йилликлар демакдир.

Абу Муслим тайёради